Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 66 (3567)
21 СЕШАНБА МАРТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ СССР Олий Совети Президиумм рангли металлургия, станоксозлик, химия ва нефть машинасозлиги, нефть ва газ саноати, оғир индустрия, саноат ва қишлоқ қурилиши, монтаж ва махсус қурилиш ишлари бирлашмалари, корхоналарм ва ташкилотларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи ва хизматчиларидан катта группасини 1977 йилги план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун, меҳнат унумдорлигини оширганлиги, иш сифатини яхшилаганлиги ҳамда шавкатли меҳнатининг юксак намуналарини кўрсатганлиги учун СССРнинг Меҳнат Шуҳрати орденлари ва медаллари билан мукофотлади.

Мукофотлаш тўғрисидаги фармонлар «СССР Олий Совети ведомостларида ва маҳаллий газеталарда эълон қилинади.

★ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори Ислом Шомуродович Шоғуломони Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.



Тошкент подшипниклар ремонти заводи қишлоқ механизаторларига кўплаб подшипниклар етказиб беряпти. Ушбу фотолавҳада коллектив муваффақиятига муносиб ҳисса қўшиб келаётган йигувчилардан бири Валентина Аҳмадулинани кўриб турибсиз. Пешқадам ишчи беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган.

ДЕМОКРАТИЯМИЗНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИ

ТОШКЕНТ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ) ЛОИҲАСИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

Инсон бахт-саодати учун

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни) лойиҳаси эълон қилинди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин жонажон Коммунистик партиямиз раҳбарлиги остида мамлакатимизда меҳнат аҳли чинакам эркин бўлган жамият — ривожланган социалистик жамият барпо этилди. Республикамиз эса нурли коммунизм биносини қураётган. барча миллатлар ва элатларни жипслаштирган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи составидаги тенг ҳуқуқли республикадир.

Унинг Асосий Қонуни лойиҳаси 8-моддасида меҳнат коллективларининг роли ва аҳамиятига муносиб баҳо берилган. Унда жумладан шундай дейилади:

«Меҳнат коллективлари социалистик мусобақани ривожлантирадилар, илғор иш методларини ёйишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга кўмаклашадилар. Ўз аъзоларини коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайдилар, уларнинг сиёсий онглилигини, маданиятини ва касб малакасини оширишга тўғрисида ғамхўрлик қиладилар».

Дарвоқе, кундалик турмушимизда ана шундай бўлмоқда! Корхонамиз меҳнат коллективи беш йилликнинг учинчи йилида социалистик мусобақани кенг тус олдириб юборди. Республикамиз Асосий Қонуни лойиҳаси барча меҳнаткашлар қатори корхонамиз коллективини ҳам илҳомлантириб юборди. Улар бу йил планидан ташқари ишкита тепловоз секцияси, уч дизель жами эса 200 минг сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Шу кунларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, цех ва участкаларни реконструкция қилиш ҳамда қайта жиҳозлаш, янги техника ва технологияни жорий этиш ишлари кизғин олиб борилмоқда.

Беш йиллик зарбдорлари Т.Ланбой Хидиралиев, Людмила Абрамова участкалари ва бошқа кўплаб цех, бригада, участка ва сменаларда кун сайин ютуқларга эришилмоқда.

И. БОБРОВ,
Октябрь революцияси номли тепловозвагон ремонти заводи партия комитетининг секретари.

Муҳим вазифа

Коллективимиз аъзолари Ўзбекистон ССРнинг куни-кеча матбуотда эълон қилинган Асосий Қонуни билан қизиқиб танишмоқдалар. Корхона партия касаба союз ва комсомол комитетлари бу ҳужжатни ишчи ва инженер-техник ходимларининг цех ва участкаларда бўладиган йиғилишларида кенг муҳокама қилиш бўйича тадбирлар белгилашяпти.

Республикамизнинг Асосий Қонуни СССР янги Конституциясидан келиб чиқиб тайёрланган, Ўзбекистон ССР гражданларига эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўқиш, дам олиш, даволаниш, бахтли турмуш қуриш ҳуқуқларини берадиган ажойиб ҳужжатдир. У билан танишарканман касаба союз ходими сифатида 40-моддадаги **«Ўзбекистон ССР гражданлари соғлиқларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар»** деган сўзларга эътибор бердим. Бутун республикамиздаги синглари, бизнинг корхонамизда ҳам кишиларнинг бу ҳуқуқдан фойдаланишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар йили корхонамиздан мингдан ортиқ киши марказий ва республика санаторийлари, пансионатлари, дам олиш уйларида, туристик базаларда ҳордиқ чиқаришади. турли маршрутлар бўйлаб саёҳатларга чиқишади. Бундан ташқари 600 дан ортиқ ходим корхона қошидаги профилакторийда даволанади. Бу ишлар учун ҳар йили 600 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланмоқда.

Халқимизда «соғлом танда — соғ акл» деган мақол бор. Тани соғ одамнинг кайфияти яхши. меҳнати унумли бўлади. Шунинг учун ҳам биз ишчи ва хизматчиларнинг соғлигини сақлаш. уларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлашни энг муҳим вазифалардан деб биламиз.

Т. ЧУРИКОВА,
«Ташкенткабель» заводи касаба союз комитетининг раиси.

Катта ғамхўрлик

«Жилстрой» трести қарашли «Ташросстрой» бошқармаси коллективи ҳам жонажон республикамиз янги Конституциясининг лойиҳасини зўр қизиқиш ва завқ-шавқ билан кутиб олишди. Бу муҳим ҳужжатда Ўзбекистон меҳнаткашларининг келажаги ўн йилликлар ичида қўлга киритган барча муваффақиятлари ўз аксини топган. Жумладан, унда пойтахтимизнинг бошқа бир қатор ташкилотлари сингари бизнинг трестимиз ҳам шуғулланиб келаётган уй-жой қурилиши хусусида ҳам сўз боради.

Бахтимиз Қомусий лойиҳасида шундай дейилади: **«Ўзбекистон ССР гражданлари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар».**

Биз қурувчилар буни янада юксак унумли ва сифатли меҳнат қилишимиз керак. деб тушунамиз. Ахир совет гражданларининг маданий-маиший шароитини янада яхшилаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишда бинокорларнинг ҳам ҳиссалари катталир.

Коллективимиз айни кунларда шаҳримиз маркази ва янги массивларида уй-жойлар қурмоқда. Ой сайин план топшириқларини ошириб бажарямиз. Икки ойлик планни 103.7 процентга адо этдик. Мен етакчилик қилаётган бригада уч йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллигигача бажаришга аҳд қилди.

Б. ШУКУРОВ,
«Жилстрой» трести «Ташросстрой» бошқармасининг бригада бошлиғи.

Бригаданинг беш йиллик топшириғи кам ишчи кучи билан бажарилади

ИЗДОШЛАР КЎПАЙМОҚДА

Март ойининг бошларида пойтахтимизнинг Э. Йўлдошев, Р. Знёев, Т. Толибов, В. Бруниенко ва А. Жўраев бошлиқ бригада коллективлари свердловсклик ҳамкасбларининг «Бригаданинг беш йиллик топшиғини кам ишчи кучи билан бажарилади» ватанпарварлик ташаббусига қўшилишган эди. Бу ватанпарварлик ташаббусининг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир бригада ўз ишчилари сонини камида 10 процентга камайтириб, аввал беш йиллик учун қабул қилган социалистик мажбуриятини бажаришга эришади. Бригададан озод қилинган ишчилар бошқа қолоқ коллективларга ўтказилади ёки янги бригадалар тузилади. Бу ишга туширилаётган объектларни тезроқ битказиш. КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленумида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубида бинокорлик ташкилотлари олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга қаратилгандир.

Свердловсклик а р ининг ташаббуси пойтахтнинг барча қурилиш майдонларида муҳокама қилинди. Қурилиш ташкилотлари, бинокорлик саноати корхоналарининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари илғор ташаббусни коллективлар ўртасида кенг ёйиш учун ташкилотчилик ва пропагандистлик ишларини авж олдиришмоқда. Издошлар сони бир мунча ўсди. Натижада ҳозирга келиб, ҳар бир районда қўшимча ишчи кучлари вужудга келди, улар янги ишлаб чиқариш қувватларини, уй-жойлар қурилишини белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишга сафарбар этилмоқда.

Куни-кеча Чилонзор район партия комитетида свердловсклик ларнинг методига бағишланган қурилиш ва монтаж ташкилотлари бригадирларининг слёти ўтказилди. Унда шаҳримизда биринчилардан бўлиб ураллик ларнинг ташаббусига қўшилган «Главташкентсто о й»га қарашли 153-қурилиш трестининг бригада бошлиғи, уч марта Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Раҳим Зиёев сўзга чиқди. У бригадаси аъзолари икки нафар малакали бинокорини қолоқ коллективга ўтказишга, беш йилликка белгиланган вазифаларни бажариш учун ишлаб чиқаришни механизациялаштириш меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 11 процентга ўстиришга, қурилиш-монтаж ишларининг 90 процентини «яхши» ва «аъло» баҳоларда бажаришга қарор қилганини айтди. СССР Конституциясининг бир йиллигигача уч йиллик план, 1980 йилнинг 1 сентябрига қадар беш йиллик план бажарилади.

«Промгражда н с т р о й» трестининг бригада бошлиғи В. Сокин ўзи раҳбарлик қилаётган коллектив аъзолари ватанпарварлик ташаббусига қўшилганлигини изҳор этди. Унинг бригадаси беш йиллик топшириқни уч малакали мутахассисини бошқа коллективга ўтказиб бажаради, ҳар бир бинони монтаж қилиш ишларини муддатидан 15— 20 кун илгари тугаллайди.

Тошкент метро қурилиш трести 2-монтаж бошқармасининг бригадири К. Виноградов коллективи метрополитеннинг «Хамид Олимжон» ва «Пушкин» станциялари оралиғида туннель қазиётганини, бригадаси тўрт нафар ишчини бошқа коллективга ўтказиб, беш йиллик планни муддатидан тўрт ой илгари бажаришга, трасса қурилишини тез ва сифатли тугаллашга қарор қилганини сўзлади.

«Главташкентстрой» бошлиғи Т. Набиев ўнинчи беш йилликда Беш бошқарма бинокорлари олдида турган катта вазифаларни бажариш, КПСС XXV съезди белгилаб берган топшириқларни амалга оширишда бригада пудрати меҳнатининг юксак намуналарини кўрсатганлиги учун СССРнинг Меҳнат Шуҳрати орденлари ва медаллари билан мукофотланди.

Мукофотлаш тўғрисидаги фармонлар «СССР Олий Совети ведомостларида ва маҳаллий газеталарда эълон қилинади.

Меҳнатга шон-шарафлар

«Ташкенткабель» заводининг маданият саройида ўтказилган катта тантанали кеча «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси илғорларининг меҳнатини шон-шарафлашга бағишланди.

Қуйбишев районидаги 113. 27-ўрта мактабларнинг пионерлари. 57-ҳунар-техника билим юртининг ва электротехника техникумининг ўқувчилари фахрли меҳмонларни кутишди.

Тантанали маросимда бирлашма бош директори Х. Р. Алимовнинг бирлашманинг бир қатор ветеран ва зарбдор ишчиларига «Кўли гул мастер», «Сифат аълочиси», «Ёшларнинг энг яхши мураббийси», «Энг яхши инженер-техник ходим» деган фахрли ном бериш тўғрисидаги буйруғи эълон қилинди. Ҳулди шу кунни кўпгина ёшлар меҳнат ветеранлари сингари ҳамиша зарбдорчасига ишлаш. уларнинг бой тажрибаларини ва насиҳатларини ҳамма ерда оқлаш ҳақида қасамёд қилишлар. Чунки корхонанинг аҳил коллективи яқинда ёш ишчиларнинг катта бир отрядини ўзининг қайноқ қучоғига қабул қилиб олган эди.

Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери. прессчи Н. П. Стрельцов ветеранлар ва мураббийлар номидан сўзлаб. жонажон корхонасининг энг яхши анъаналари, бу ерда инсоннинг камолотга эришуви учун ҳамма шароитлар этилганлиги ҳақида ҳаяжон билан гапириб берди. Ишлаб чиқариш илғорлари барча ишчилар. инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга ғарата йиллик план ва социалистик мажбуриятларни СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинганининг бир йиллигигача бажарилиши ҳақида мурожаат қилдилар.

★ 22 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Газ аппаратлари заводининг меҳнатчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишлаб 22 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусини бошлаган москваликларнинг чақиригига лаббай деб жавоб бердилар.

Ана шу умумхалқ меҳнат байрамини зўр кўтаринки руҳ билан ўтказиш мақсадида коллективнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ишчиларнинг шанбалик куни амалга ошиладиган барча тадбирлари изҳор этилди.

Корхона коллективи шанбалик кунида ҳаммаси бўлиб тежалган хом ашё ва материаллардан 12 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишланган 13 минг сўмлик иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади. Шу куни 5 тонна металл парчаси тўпланади.

Ф. Захаров бошлиқ бригаданинг коллективи шу куни асосан тежалган хом ашё ва материал асосида чинакам меҳнат вахтасида туриб ишлайди. Корхона территориясини тозалаш ва ободонлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилади.

ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИГА — 18 ЗАРБДОР ҲАФТА

КОМСОМОЛ СЪЕЗДЛАРИ ТАРИХИДАН

Бугун ёшлар зарбдор вахтасининг15-ҳафтаси бошланди. У ВЛКСМ XV съездига бағишланади.

1966 йил 17—21 май кунлари бўлиб ўтган ВЛКСМ XV съездига ВЛКСМнинг 23 миллион 50 минг 700 аъзоси номидан 3831 делегат сайланган эди. Съезд КПСС XXII съезди қарорларини, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик планини бажаришда, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда комсомолнинг вазифаларини белгилаб берди.

ЁШЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИ

СИФАТ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

1-пойафзал фабрикаси 16 хил буюмни Давлат Сифат белгиси билан тайёрламоқда Барча маҳсулотларга комсомоллар отлиқ қилишяпти. Зарбдор ҳафта якунларини кўриб чиқишда иш сифатига биринчи галда эътибор берилмоқда. 14-зарбдор ҳафталэ 1-цех комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи ёш коммунист Заҳро Мўминжонова голиб чиқди. Заҳро ўз ишининг устаси. юқори малакали ишчилир. Фабрикада тўрт йилдан буён ишлаб келмоқда.

ҲАЙДОВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

«Главташкентстрой» 2-автотранспорт корхонасининг 120 комсомол ва ёш ҳайдовчиси Ленин комсомоли XVIII съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақала актив қатнашмоқдалар

Сўнгги ҳафтала Николай Сергеев голиб чиқди. У армия сафидан қайтганидан сўнг корхонала ишлаб коллективнинг ҳурматэътиборига сазовор бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Николайга мухим объектларга хизмат қилиш топширилган. Комсомол аъзоси Сергеев доимо юксак унум билан ишлайди.

ЯНА БИР ЯНГИ ГРУППА

11-техника билим юрти ўқувчилари касб танлаш ишида актив қатнашмоқдалар. Айниқса бу муҳим ишда сўнгги зарбдор ҳафта голибларидан— тўртинчи ва бешинчи группа юқори натижаларга эришяпти. Бунда ишлаб чиқариш таълими мастерлари М. Мирҳайдаров ва Р. Қўзиевларнинг хизмати катта. Бу группанинг комсомоллари юқори синф ўқувчилари ўртасида электромонтажчи. киномеханик ва радио-телевизор устаси касблари тўғрисида маърузалар ўқиб беришяпти Натижада 30 киши дан иборат бутун бир янги группа билим юртига қабул қилиш тўғрисида ариза беришди.



Тошкент абразив комбинати коллективи ўзининг пешқадам ишчилари билан ҳақли равишда фахрланади. Ана шундай коллектив ҳурматини қозонган келаётган ишчилардан бири токарь Шавқи Жаъфаровдир. У смена топшириқларини 1,5 баравар ошириб адо этиб, шахсий беш йиллик топшириғини 3 йилда адо этиш учун курашмоқда.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

5-таксомотор паркининг шоферлари зималарига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Коммунист М. Шангареев бошчилик қилаётган бригада аъзаматлари бу борада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. М. Абрамов, Д. Эрбутаев, В. Медведев каби корхона пешқадамлари планларини ҳамиша ортиғи билан адо этишяпти.

Шоферлар икки ой мобайнида пландан ташқари 100 минг сўмлик хизмат кўрсатишди. Улар 10 минг литрдан ортиқ бензинни иқтисод қилишди.

ШАҲРИМИЗНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ РАЙОНЛАРИДА ДАРАХТ ВА ЯШИЛ ТЎСИҚ ЎТҚАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Биринчи стун — план (минг туп ҳисобида), иккинчи стун — қанча кўчат ўтқазилди, учинчи стун — планнинг бажарилиши (процент ҳисобида).

Ленин райони	149	87,7	58
Ҳамза райони	150	75,5	50
Куйбишев райони	151	77,5	51
Киров райони	153	88	51
Октябрь райони	147	89,9	60
Собир Раҳимов райони	152	80,3	53
Чилонзор райони	147	89,8	60
Акмал Икромов райони	133	69,9	50
Фрунзе райони	136	71,5	52
Сергели райони	132	66,5	50

МАЪЛУМОТЛ А Р НИ ШАРҲЛАЙМИЗ: кўкаламзорл а ш т и риш икки ойлигининг дастлабки март ойи тугалланмоқда. Шунинг учун ҳам аксарият корхона. ташкилот. ўқув юртларининг коллективлари обҳаво яхши бўлган кунларда ҳашарга чиқиб кўплаб кўчат ўтқазишмоқда. Ўтган якшанба куни Собир Раҳимов, Чилонзор. Фрунзе районларининг ишчилари ва хизматчилари. студентлари ва мактаб ўқувчилари умумхалқ ҳашарида уюшиб келаётган уй-жой қурилиши хусусида ҳам сўз боради.

Бахтимиз Қомусий лойиҳасида шундай дейилади: **«Ўзбекистон ССР гражданлари уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгадирлар».**

Биз қурувчилар буни янада юксак унумли ва сифатли меҳнат қилишимиз керак. деб тушунамиз. Ахир совет гражданларининг маданий-маиший шароитини янада яхшилаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишда бинокорларнинг ҳам ҳиссалари катталир.

Б. ШУКУРОВ,
«Жилстрой» трести «Ташросстрой» бошқармасининг бригада бошлиғи.

Халқаро мавзуда суҳбат ЖИНОЙ ПЛАНЛАР БАРБОД ЭТИЛСИН!

Қўшма Штатларда кишиларни ялпи қирғин қуролининг янги тури— нейтрон бомбани кўплаб ишлаб чиқаришга киришишга тайёргарлик тамом бўлди. Ғарб матбуотидаги хабарлардан маълум бўлишича, Пентагон билан НАТОнинг юқори доиралари шу қадар хатарли йўлдан бориш ҳақида дастлабки тартибда қарор қабул қилишди. Бу қуролни ишлаб чиқарувчи пудратчи-фирма «Рокуэл интернэйшнл» корпорацияси ҳам топилиб колди. Бу корпорация АҚШ ҳарбий саноат комплексининг ажралмас қисми ҳисобланади. Энди АҚШ президенти Ж. Картернинг охирги марта «фатво» беришигина қолди.

Нейтрон қурол тарафдорлари шу муддиш бомбани уруш олиб боришнинг «мудофаа» воситаси деб кўрсатяптилар. Бу қурол кишиларни ва бошқа барча жонли организмни йўқ қилишини, бинолар ва бошқа моддий бойликларга деярли тегмаслигини унинг «фазилати» деб даъво қилмоқдалар.

Улар буни ўзининг ҳарбий хусусиятлари жиҳатидан гўё «соф» қурол, фақат «тактика мақсадларида»гина ишлатилиши мумкин. деб даъво қилмоқдалар. Аслини олганда, улар шундай сафсаталар ёрдамида чегараланган ядро уруши «мақбул» эканлигини асослашга олдидий қурол билан ядро қуроли ўртасидаги чегарани йўқ қилишга олдидий урушнинг аста-секин ядро урушига айланиши учун замин тайёрлашга ўринмоқдалар.

Пентагон корчалонлари ядро қуролининг бу янги турини НАТОнинг , Совет Иттифоқи чегараларига яқин мамлакатларида жойлаштирмоқчи бўладилар Улар бу қуролни Ғарбий Европада жойлаштиришга мажбур этиб, «Шарқдан бўладиган таҳдид» тўғрисида сийқаси чиққан шиорларга суянмоқдалар. Шундай қилиб, гап қурояланишнинг янги пойгасини бошлаш қурол-яроғлар устидан назорат тўғрисидаги музокараларни муракқаблаштириш ҳозирги вақтда СССР билан АҚШ ўртасида мавжуд ядро балансини бузишга уриниб кўриш устида бормоқда. Бу жиноий ниятлар жаҳон жамоатчилигининг қатгиқ ғазабига сабаб бўлди. Аввало, Ғарбий Европа мамлакатларида бошланган қудратли норозилик кампанияси бошда Пентагоннинг режаларини бузган эди. Ўтган йил декабрь ойида Брюсселда бўлиб ўтган НАТО кенгашининг охирги сессиясида бир қанча давлатларнинг вакиллари ўз халқларининг талабини эътиборсиз қолдира олмасликларини айтгандан кейин, нейтрон қурол ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши вақтинча тўхатиб қўйилди.

Ғарбий Европанинг баъзи давлат арбоблари океан ортида тузилаётган планларнинг хатарли оқибатларига реал баҳо бермоқдалар. Масалан, Дания бош министри А. Йоргенсен, менинг мамлакатим «тинч вақтда ўз территориясида нейтрон ядро зарядларининг жойлаштирилишини истамайди», деб айтди. Швеция ташқи ишлар министри К Седер нейтрон бомбани «ядро қуролининг мудҳиш бир тури» деб атади. Голландия мудофаа министри Р. Кройзинга эса нейтрон бомбани қўллаб-қувватлаган ўз ҳукуматининг позициясига қарши норозилик тарикасида истеъфога чиқди.

Нейтрон қурол тарафдорлари тўсқинликларга дуч келиб, ҳийланайранг ишлатишга ўтдилар. НАТОнинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони Хейк ва НАТОнинг бош секретари Лунс сингари НАТОнинг машҳур «қузғунлари» жамоатчиликни Совет Иттифокининг «урушқоклик муддаолари» деган уйдирмалар билан қўркитиб, жамоатчилик фикрини чалғитишга актив киришдилар. Пентагон стратеглари эса «янги юриш» бошладилар. Илгари Қўшма Штатларнинг нейтрон бомба ишлаб чиқаришни Ғарбий Европа мамлакатларининг шу қуролни ўз территориясида жойлаштиришга рухсат беришига боғлиқ қилиб қўйилган бўлса, энди янги «доктрина» авторлари дастлаб нейтрон қуролни АҚШда ишлаб чиқара бошлашни ва шундан кейин уни Ғарбий Европада жойлаштириш тўғрисида «ўйлаб кўришни» таклиф қилмоқдалар.

Халқаро кескинликни кучайтириш тарафдорларининг зўр бериб қилаётган ҳаракати улар учун муайян самаралар бермоқда. Англия бош министри Ж. Каллаген НАТО мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб яқинда нейтрон бомба ишлаб чиқаришни Ғарбий Европа мамлакатларининг шу қуролни ўз территориясида ишлаб чиқаришга боғлиқ қилиб қўйишдан воз кечишга нейтрон қуролини қувватлаб чиқди. ХДС, ХСС оппозициячи блоки Ғарбий Германияда Пентагон ғояларини амалга оширувчи бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу блок ҳукуматни «шу қуролни ишлаб чиқариш тўғрисида ва уни Атлантика иттифоки аслаҳахонасига олиш тўғрисида АҚШ президентининг планини маъқуллашга» очиқдан-очиқ даъват этмоқда.

Тинчлик ишига жиддий таҳдид қилаётган янги қуролни кўпайтириш истиқболлари ер юзидаги барча виждонли кишиларни ғоят ташвишга солмоқда.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатларни нейтрон қуролини қувватлаб чиқди. ХДС, ХСС оппозициячи блоки Ғарбий Германияда Пентагон ғояларини амалга оширувчи бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу блок ҳукуматни «шу қуролни ишлаб чиқариш тўғрисида ва уни Атлантика иттифоки аслаҳахонасига олиш тўғрисида АҚШ президентининг планини маъқуллашга» очиқдан-очиқ даъват этмоқда.

Тинчлик ишига жиддий таҳдид қилаётган янги қуролни кўпайтириш истиқболлари ер юзидаги барча виждонли кишиларни ғоят ташвишга солмоқда.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатларни нейтрон қуролини қувватлаб чиқди. ХДС, ХСС оппозициячи блоки Ғарбий Германияда Пентагон ғояларини амалга оширувчи бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу блок ҳукуматни «шу қуролни ишлаб чиқариш тўғрисида ва уни Атлантика иттифоки аслаҳахонасига олиш тўғрисида АҚШ президентининг планини маъқуллашга» очиқдан-очиқ даъват этмоқда.

Тинчлик ишига жиддий таҳдид қилаётган янги қуролни кўпайтириш истиқболлари ер юзидаги барча виждонли кишиларни ғоят ташвишга солмоқда.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатларни нейтрон қуролини қувватлаб чиқди. ХДС, ХСС оппозициячи блоки Ғарбий Германияда Пентагон ғояларини амалга оширувчи бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу блок ҳукуматни «шу қуролни ишлаб чиқариш тўғрисида ва уни Атлантика иттифоки аслаҳахонасига олиш тўғрисида АҚШ президентининг планини маъқуллашга» очиқдан-очиқ даъват этмоқда.

Тинчлик ишига жиддий таҳдид қилаётган янги қуролни кўпайтириш истиқболлари ер юзидаги барча виждонли кишиларни ғоят ташвишга солмоқда.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатларни нейтрон қуролини қувватлаб чиқди. ХДС, ХСС оппозициячи блоки Ғарбий Германияда Пентагон ғояларини амалга оширувчи бўлиб майдонга чиқмоқда. Бу блок ҳукуматни «шу қуролни ишлаб чиқариш тўғрисида ва уни Атлантика иттифоки аслаҳахонасига олиш тўғрисида АҚШ президентининг планини маъқуллашга» очиқдан-очиқ даъват этмоқда.

Тинчлик ишига жиддий таҳдид қилаётган янги қуролни кўпайтириш истиқболлари ер юзидаги барча виждонли кишиларни ғоят ташвишга солмоқда.

Совет Иттифоқи Қўшма Штатларни нейтрон қуролини қувватлаб чиқди ва шу масала юзасидан музокаралар бошлашга тайёр эканлигини билдирди. Шунингдек СССР ва бошқа бир қанча социалистик мамлакатлар ядро нейтрон қуролини ишлаб чиқариш, тўплаш, кўпайтириш ва қўллашнинг тақиқлаш тўғрисида қуролсизланиш комитетига битим лойиҳасини тақдим этди. Совет Иттифоқининг тутган мана шу позицияси бутун дунёда кенг миқёсда маъқулланмоқда ва кўллаб-қувватланмоқда.

Халқлар атом уруши оловини ёқувчиларнинг жиноий ниятлари барбод этилиши керак. деб талаб қилмоқдалар

Ю. РОМАНОВ,
[ТАСС].

• *Доимий комиссиялар фаолиятидан*

Коммунизм ғояларига садоқат руҳида

«Ёшлар билан ишлаш бўйича доимий комиссия ўзининг я р и м йиллик ортиқ фаолиятида КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумининг ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ҳукуматининг совет халқи фаровонлигини бундан буён янада оширишга ҳамда Ватанимиз иқтисодий қудратини оширишга қаратилган қарорларини бажара бориб, районимиздаги комсомол-ёшларнинг коммунизм ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашда маълум даражада ишларни амалга оширди.

Доимий комиссия ўз ишларини план асосида олиб бормоқда. Комиссия мажлисларида: «Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ёшлар тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида», «Кечки ишчи ёшлар мактабларида ўқувтарбия ишларининг аҳволи тўғрисида», «Район ДОСААФ комитетининг ёшларни спортнинг ҳарбий амалий турларига жалб этиш бўйича олиб борган ишлари тўғрисида»ги каби масалалар муҳокама қилинди».

Ушбу сўзлар Собир Раҳимов район Советининг яқиндагина бўлиб ўтган VI сессияси томонидан қабул қилинган қарордан келтирилди.

Ҳақиқатан ҳам комиссия ўз ишини район комсомол комитети, район халқ маорифи бўлими, ДОСААФ комитети ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда, халқ депутатлари Советлари ижроия комитетлари қошидаги доимий комиссиялар иши тўғрисидаги Низом асосида олиб бормоқда. Комиссия 11 депутатдан иборат бўлиб, улар ўз вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар. Депутатлар комиссия кўриб чиқиши лозим бўлган масалаларни тайёрлашда корхонада ва ташкилотларда бўладилар, камчиликларни топадилар ва уларни бартараф этишда ёрдам берадилар. Ҳар бир масала муҳокама этилишида ўша корхона ёки ташкилот раҳбарлари, комсомол комитетининг секретарлари ёки масъул ходимлар таклиф қилинади. Ҳар бир кенгашда ёшлар билан олиб бориладиган алоҳида ишлар таҳлил қилинади.

Масалан ўтган йили лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлиги текширилди. Ташкент ЗНИИЭП ҳамда УзГИПРОГАЗ институтлари ёшларининг Улуғ Октябрь юбилейини муносиб кутиб олиш юзасидан амалга оширган ташкилий ишлари яхши баҳоланди. Улар томонидан фестивалларда, радио эшиттиришлар олиб борилди ва ҳоказо.

Район комсомол-ёшлари турли саналарга бағишланган шанбаликларда, Тошкент метрополитени қурилишида ва бошқа шаҳар ва район бўйича ўтказилган тадбирларда фаол қатнашдилар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Сов

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ҒУЛОМОВ: Ташкилотларда ишлаётган ходим ўз ихтиёри билан ишдан бўшаганида унинг узлуксиз иш стажи қанча муддатгача сақланиб қолади?.

Жавоб: Ходим ўз ихтиёри билан ишдан бўшаб, кўпи билан бир ой ичида янги ишга кириб олса, унинг узлуксиз иш стажи сақланади. Аммо ходим бошқа ишга кириб олиш муддати мобайнида касалланиб қолса, меҳнат қобилиятини неча кун йўқотган бўлса, бу муддат ўшанча кунга узайтирилади. Ишчи ёки хизматчи янги жойга ишга кирганда меҳнат дафтарчаси билан бирга меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлиги тўғрисидаги справкани ҳам қўшиб бериши керак. Даволаш муассасаси берган бу справкани даволовчи врач билан бош врач имзолаган ва печать босилган бўлиши лозим.

* * *

Д. МУРОДОВА: Мен телеграфистлик касбини эгалламоқчи эдим. Шаҳримизда шу касбни ўргатадиган бирор билим юрти борми?

Жавоб: Ҳа, бундай билим юрти бор. Сиз телеграфистлик касбини эгаллашга азму қарор қилган экансиз, шаҳримиздаги 46-кечки-сменали ишлаб чиқариш техника билим юртига кириб ўқишингиз мумкин. Билим юртининг телефони 56-68-87.

* * *

С. ҒУЛОМОВА: «Правда Востока» кўчасидаги «Шарқ» меҳмонхонаси ёнида қурилиш ишлари кетяпти. Айтингчи, бу эски бино бутунлай бузиб ташланадими ёки у сақлаб қолинадими?

Жавоб: «Шарқ» меҳмонхонасининг эски биноси бузиб ташланмайди, балки у реконструкция қилинади. Реконструкция қилингач бу ерда Тошкент тарихи Музейи очилади.

* * *

Ж. РАҲМОНОВ: Шаҳримизда фотоҳаваскорлар клуби бор деб эшитдим. Иложи бўлса ана шу клубнинг фаолияти ҳақида, унинг олиб бораётган машғулотлари тўғрисида қисқача маълумот берсангиз.

Жавоб: Илгаридан мавжуд бўлган «Панорама» клуби қошида Тошкентда яқинда республика бадиий ҳаваскорлиги Уйининг таянч-методика фотоклуби ташкил этилди. Унга фотоҳаваскорлар ҳам, профессионал суратчилар ҳам аъзо бўлишлари мумкин. Клуб мажлислари программасида фотосанъати бўйича назарий билимлар ва практик машғулотлар бор. Фотоҳаваскорлар учун клубда лекция ва консультациялар ташкил этилади. Бу фотоклуб мажлислари ҳар ойнинг биринчи, иккинчи ва учинчи шанба кунларида Тошкент шаҳар, Ҳоразм кўчаси 7-уйда, соат 14 дан 30 минут ўтганда ўтказилади.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА
ГАИ АХБОРОТИ

Ушбу тасодифда уч кишининг айби бор. Биринчиси — 65—72 ТШК номерли Москвич—412 автомобилининг ҳайдовчиси Валерий Ли. У Полторацкий кўчасидан келаётиб, орқага қайтиш учун машинани бура бошлади. Натижада ЛМ68 № 1028 трамвайини ўтказиб юбормаганлиги сабабли у билан тўқнашиб кетди. Иккинчиси — шу трамвайнинг ҳайдовчиси Мирахмад Мирсоатовдир. Медицина экспертизаси ўтказилганидан сўнг унинг трамвайни маст ҳолда ҳайдаб келаётгани маълум бўлди. Учинчиси — 1-трамвай депосининг директори Г. Крицин. Унинг қўл остидаги кишилар маст ҳолдаги ҳайдовчини йўлга чиқаришган.

Автомобиль шикастланди, В. Ли жароҳатланди.

Пабло НЕРУДА. ЧИЛИ

«ЯША, МЕНИНГ УМРИМНИ...»

Агар ўлсам, яша сен, яша менинг умримни,
Шундай ўжарлик билан, матонат билан яша.
Қуёшдан қуёшларга лабларинг чалғусинч,
Жанубдан жанубларга ташла ўчмас нигоҳинг.
Қаҳқаҳанг товушлари сустлашмасин ҳеч қачон.
Сен шодлик бўл донмо, шодлик менинг меросим.
Менн чақирма ортиқ, мен йўқман-ку дунёда,
Йўқлигимнинг ичида — ўз уйингда яша сен.
Шу қадар кенгдир бу уй, менинг йўқлигим — уйим,
Деворларнинг синчига мумкин кириб бормогинг.
Ҳаволарга сувратлар осажаксан бемалол.
Шу қадар тиниқдирки, йўқлигим-менинг уйим,
Менга барн аёндир, кечаётган ҳаётинг,
Агар сен ғамгин бўлсанг, мен қайта ўлажакман.

Рауф ПАРФИ таржимаси.

ХХ АСР ОВОЗИ

Борис ПЧЕЛИНЦЕВ, РСФСР

ВАТАН

Ватаним,
Мен сенинг
Куигабоқарнинг.
Ҳаётим мазмуни
шу деб билганман—
Нурга интилганман,
Сен деб баҳорим!
Знё бахш эт менга,
Шайдо бўлганман!
Сен менга бекиёс
қуёшсан, кўёш,
Ҳузурингда мангу
Эгиб турғум бош!
Майли,
Бошим узра
сузса ҳам булут
Сенга тикиламан,
Сенга бехудут!
Ёруғ юз,
Нурафшон
Дил сенга пайванд
Бошимиз
Ёлғиз бир
Сенга эгилган.
Онажон,
Ватаним
Биз сенга фарзанд,
Куигабоқарингмиз
Сенга тикилган!

САЙЁР таржимаси.

Владимир ФИРСОВ, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати

БЕҲУДА РАШКНИ ҚЎЙ...

Беҳуда рашкни қўй,
Чекмагил нидо,
Енгилламас турмуш рашк билан.
Айлагувчи бизларни жудо
Орабузар куч туғилмаган.
Англа, ёдингда тут,
Бу бир ҳақиқат:
Икки қитъа — икки қалб мудом
Бир-бирига бахш этаркан тафт,
Айрилмасмиз, жоним, вассалом.
Билиб қўйки,
Меҳру шафқатни
Битирмадим сарфлаб бекор.
Бахтимизга ҳали қимматли
Англанмаган қанча сирлар бор.
Ҳаммаси олдинда —
Нурафшон тонглар,
Чақмоқлару булут бегумон.
Ҳатто бизнинг даҳлсиз ўйлар
Балки фақат заминга аён.
Замин англар қушлар хонишин,
Қамишларнинг инграб овозин.
Ўвоққина диллар уришин
Маъносини ҳам тушунар замин.
Висол айлар унда маҳбублар,
Йўл юришар
Худди биз мисол.
Айриликҳам гоҳи юз берар,
Фақат сен ишонма,
Кутмагил завол.
Шубҳа жабрин тортмоқ бемаъно,
Рашкда кўймоқ лозимми шунча?
Замин бизни айирмас асло
Токи ўзи айрилмагунча.

Қамчибек КЕНЖА таржимаси.



ҲИНДИСТОН. Рассом Девакни Кришна (чапдан-ўртада) ўз шогирдлари орасида. В. Дубиль ва И. Зотин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Ежи ВИДОК, Польша

ТУНГИ СУҲБАТ

ҲАЖВИЯ

Тунги соат учларда мени телефон қўнғироғи уйғотиб юборди. Унинг трубкасидан Манюснинг қўнғироқдек овози эшитилди.

— Юрек! — бу сенмисан!

Шунчалар барвақт бўлиши ва уйқум ҳали ўчмаганлигига қарамасдан, миямга: «Манюснинг уйида телефони йўқ эдику, деган фикр келди. Демак у қаердандир қўнғироқ қиляпган бўлса керак. Ҳозир у бошни қотира бошлайди... Йўқ, унақаси кетмайди», дедим-да, қаттиқ овоз билан:

— Милиция бўлинмаси, эшитаман, — дедим.

Манюсь қутилмаганда довдираб қолди.

— Кечирасиз, нотўғри тушибман, — деди у.

Ҳали телефонни суғириб ташлашга улгурмасимдан яна жиринглаб қолди:

— Милиция бўлинмаси, эшитаман! — дедим.

Манюсь бу сафар ўзини йўқотиб қўймади.

— Жуда ҳам кечирим сўрайман. бу 185 — 31 рақамли телефонми? — дея сўради.

— Ҳа, 185—31, нима эди, гражданин?

Бу ёғини айтиб қўяй. Манюсь менинг қалин оғайним.

— Биласизми, Маргариток кўчасидаги 15-уйда яшовчи бир Ежи Видок деган шахс бу номерли телефон меники деяпти, шуни сизга айтиб қўймоқчи бўлувдим. Бу бировнинг устидан кулиш ва жамоатчилик тартибини бузиш эмасми, нима дейсиз? — деди у.

Энди гапни мен олиб қочдим.

— Менга қаранг, граждани, сиз йўлингизга равона бўлиб уйингизга кетавермайсизми, милициянн нима қиласиз. лақиллатиб. Мен сизга шуни айтмоқчиманки, сиз аблаҳ экансиз, сиз... боласи экансиз. Яна бошқа ва ҳоказо.

Манюсь трубкани илиб қўйди.

Эртаси куни уни автобус бекатида учратиб қолдим. Беҳоранинг бошн қотган ва бундай пайтда ҳар ким ҳам ўзига тинчлик берилиши ҳақида ўйлайди.

— Салом, Манюсь!

— Салом, — деди у овози хириллаб.

— Менга қара, оғайни, —кеча роса тортган экансан-да, — дедим. Менга тунда телефон қилиб нимагадир ўзингни милиция офицериман..., — деб пеш қилдинг.

Манюсь оқариш уёқда турсин, ҳатто кўкариб кетгандай бўлди. Ўшандан бери меникига телефон қилмайди. Ҳозир ҳатто сўрашмайди ҳам.

Русчадан
Т. УНАБОЕВ таржимаси.

Борис Полевой

ОХИР-ОҚИБАТДА

Совет адабиёти ва матбуотининг ёрқин намояндаларидан бири, оташин адиб, публицист Борис Николаевич Полевой 70 ёшга тўлди.

Борис Полевой ижодий ишни журналистикадан бошлаган. Улуғ Ватан уруши йилларида «Правда» газетасининг мухбири сифатида фронтга кетди. Унинг мамлакатимизда юз мартадан кўпроқ нашр этилган «Чин инсон ҳақида қисса»си ҳамда «Олтин», «Олис фронт орқаси», «Эввойи соҳилда», «Доктор Вера», «Қайтди», «Анюта» каби романлари ва қиссаларининг қаҳрамонлари — собиқ фронтчилардир.

Борис Полевой Ватан ва халқ олдидаги улкан хизматлари учун кўпгина орденлар ва медаллар билан мукофотланган, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Ўзбек китобхонлари Борис Полевой ижодини яхши биладилар ва севадилар. Унинг «Чин инсон ҳақида қисса» романи ўзбек тилида бир неча марта қайтадан нашр этилди ва ҳар гал ўқувчилар орасида яхши тезлигида тарқалди.

Қуйида Борис Полевойнинг ўзбек тилига биринчи марта таржима қилинаётган «Охир оқибатда» («Нюрнберг кундаликлари») номли бадиий-публицистик асаридан парча ўқийсиз. Маълумки, Борис Полевой «Правда» газетасининг мухбири сифатида немис-фашист ҳарбий жиноятчиларини суд қилган Нюрнберг Халқаро Трибуналида қатнашган эди. Мазкур асар ана шу тарихий суд процесси кунларида адиб тутган кундалик дафтар асосида юзага келган. Китоб гитлерчилар фашизмининг жирканч башарасини, улар бошлаган урушнинг мудҳиш моҳиятини ёрқин куч билан фош этади.

Гаек ўзига зарур нусхани шундай бир дақиқада, шундай бир руҳий талвасада тутиб олган эди-ки, суратларида уларнинг чинакам ички башараси яққол «мананман» деб турарди... Мана. Штрейхер — қашқирдай, тишларини иржайтириб турибди. Қачонлардир Жукоф ишлаган расмларни кўрганим учун ва ҳозир Гаек суратларининг тўпини кўздан кечириб, улар нишонга олган натураларнинг асл моҳиятини англаб етдим.

— Офарин! Таъбингга мувофиқ инсоний ифодани ушлаб олиш учун сен қанча вақт пойлашингга тўғри келади?

— Гоҳида бутун бир мажлис мобайнида кутаман. Қанча плёнкалар беҳуда кетади, —хотиржам жавоб беради Гаек, суратларн менда қолдирган таассуротдан мамнун ҳолда.

— Шунча кўпми?

— Итларни суратга олаётганимда бундан ҳам кўпроқ куч ва плёнка сарфлайман.

— Ўтмишнинг кишини лол қолдирадиган бу суратларини қаердан топдинг?

— О, бу менинг касби-корим сирику,— дейди у ва кулди.— Менинг фирмамнинг сири. Лекин мен сен билан шундай жойда ва шундай пайтда таништимдики, сендан мен ҳеч қандай сирни хуфя тутмайман. бунинг устига, сен суратқаш эмассан, бинобарин, рақобат ҳам қилмайсан. Генрих Гофман деган ном қулоғингга чалингани?

— Йўқ, эшитмаганман.

— Гофман Гитлернинг ўз лейб-фотографи эди. У шу ерда. ҳудди шу бинонинг 158-хонасида яшайди. Герр Гофман ҳозир фотоҳужжатлар бўйича экспертлик қилянти. О, гоят қизиқ одам у. Мен уни сен билан таништириб қўяман.

— Қандай қилиб тушиб қолди бу ерга у —лейб-фотограф?

— Ҳозир айтиб бераман.

Ва у менга шундай тарихни айтиб берди-ки, агар Гаекни ўзи орага тушиб, ўша, сирли 158-хонага киргаганимда ҳамда бу, деярли саргузашт тарихнинг бош қаҳрамони билан шахсан таништирганимда, худо ҳақи унинг гапларига ишонмаган бўлардим.

Генрих Гофман анча эпчил суратқаш бўлиб. ялангоч қизларнинг суратларини туширнб ва бу суратларни махфий йўллар билан тарқатиб. тирикчилигини кечириб юраркан. Кейин у ўз фаолият доирасини кенгайтириб, шарму ҳаёсиз суратлар солинган открыткаларни тарқата бошлабди. Бу открыткалар учун иккинчи даражали тунги кабареларнинг раққослари ва раққосалари нусха вазифасини ўтабди. Ана шундай нусхалардан бири аллақандай Ева Браун деган хоним экан. У Гофманнинг иш ҳужрасига қачондир бир қия қараб ўтиб. ўшандан буён унинг муқим ходимаси бўлиб қолибди.

Тақдирнинг тақозоси билан бу қиз тушган суратлардан бири Гитлернинг назарига чалиниб қолибди. У қизга аллақандай савол берибди. Қиз унга ўктам ва ақлли жавоб қайтарибди. Учинчи рейхнинг қудратли фюрери билан нусхакаш қиз ўртасидаги иноқлик шу тариқа бошланибди. У Гитлернинг яқин хеш-ақраболаридан бирига айланибди.

Олғир қари қиз ўзининг собиқ ўйнаши қўлида, юмшоқ қилиб айтганда, гоят кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқарадиган суратларнинг негативи қолганлигини биларди. Бу унинг ўзи учун ҳам. қолаверса, қудратли ҳомийси ва унинг халқаро миқёсдаги обрўйи учун ҳам хатарли эди. Мамлакатда аввал бир гал Геринг худди шундай далилларга асосланиб, ўз рақиби — фюрернинг алоҳида ҳурматини қозонган ва ҳарбий министр курсисида ўтирган кекса фельдмаршал Бломбергнинг таъзирини берганлиги кенг оммага маълум эди. Учинчи шахс орқали Геринг қарияни Ева Браунининг суюқ оёқ дугонаси Эрика Грюн деган қиз билан таништириб қўяди ва қариб қуйилмаган маршал бу қизга уйланаймн ё йўқми, деб Герингга маслаҳат соладн. Геринг унга уйланишни маслаҳат беради ва ҳатто ўзи вакил оталик қилади. Тўй тўкин-сочинлик билан ўтади, унда лутфан Гитлернинг ўзи қатнашади. Эртаси куни эса, Грюннинг қандайдир мижоз йигит билан беҳаё ҳолатларда тушган албом хил суратлари — яна учинчи кимса қўли билан —французларнинг олди-қочди гапларга ишқибоз газеталарига узатилади. Можаро бошланиб кетади. Фельдмаршал Бломберг ўз вазифасидан четлаштирилади. Ҳарбий министр курсиси бўшайди.

Бу ғалволарнинг барн Берлинда қанча шовқин-суронга сабаб бўлди. Ева Браун бўларни биларди. Албатта. Гофманни жисмонан бир ёқлик қилиш унинг имкониятлари олдида ҳеч гап эмасди. Ўша кезларда Германияда ими-жими йўқолиб кетаётган одамлар озмунчами-ди? Бироқ, у собиқ хўжайинининг узоқни кўра оладиган киши эканлигини ва ўзининг энг яхши негативларини чет эллларда, қайлардадир сақлашини ҳам биларди. Яна шуниям биладики, агар Гофман қамоққа олинса, гестапода барчасини айтиб беради, дегули ва рашкни Гиммлер бўлса қай замонлардан бери унинг изига тушиб юрибди. ва табиатан фаҳм-фаросатли қиз, учинчи оқибат натижада ҳам энг тўғри йўлни танлади.

Еванинг кўмагида унинг «устози» Генрих Гофман Гитлернинг лейб-фотографи бўлиб олди ва ажойиб обрў топди. У профессор ва доктор унвонларига эга бўлди. Уни фашистлар партиясининг олтин нишони билан мукофотладилар. Зотан у. бугунги кунда берган гувоҳликларига кўра. ҳеч қачон бу партиянинг аъзоси бўлмаган. Бу гапига, афтидан. ишонса бўларди. Генрих Гофман улкан нашриёт ташкил этиб, уни мутлоқ Гитлернинг ва унинг доирасидаги казо-казоларнинг портретларини тайёрлаш. шунингдек ҳукумат альбомлари ва дастуриламал ҳужжатларни чоп этиш муассасасига айлантирди. Нашриёт миллионлаб даромад қилабошлади. Евага мижоз бўлган ўспирин бу ёлғиқ бўғирсоқдан ўз тишламини олиш пайига тушган эди лекин бир куни ном-нишонсиз йўқолади. Ева Германиянинг «биринчи шахси» билан ошкора бирга яшайбошлади.

Шундай қилиб, биз сирли 158-хонага йўл олдик. Бизни кекса, пакана, кийик шохидан ясалган тугмалар қадалган ва дуб яфроқларининг суратлари солинган яшил ёқали кулранг камзул кийган немис қарши олди. Унинг юзлари тўла, бўйни хўкизникидан йўғон ва қат-қат, кўринишидан плакатларда чизилган пивони тарғиботашиқ қилаётган асл бавариялнклар н и н г худди ўзи эди.

У ўзини тутиб олган одам эди. Бизга ўзининг исми-шарифига доктор унвонини қўшиб, кибру ҳаво билан таништирди. кейин вақти зиқлигини. герр судья совет қораловчиларн томонидан тавсия қилинган бир боғлам суратни унга экспертизага жўнатганлигини айтди. Шу боисдан «герр оберст»га бор-йўғи бир неча дақиқа фурсат ажратаолармиш, холос.

У столга гитлернинг турмушини акс эттирган суратларнинг бутун бир дастасини ирғитди. Шундай қатъият билан ирғитдики, у. эҳтимол, чакана харидорлар олдига ҳам энг янги беҳаё суратлар дастасини шу тариқа ирғитган бўлса, ажаб эмас. Мана. Гитлер ва Ева тоғдаги уй ровонида. афтилан. Бертехсгаденда бўлса керак... Гулларни ҳидлашмоқда.. Итларни эркалатишяпти... Яна улар. овчиларнинг камзуллари ва товуқ патлари қистирилган шляпалар кийишган... Гитлер ва аллақандай генераллар ўша уй ровонида ва Ева олдидагина фартук кийиб. уларни чой билан сийлямоқда. Яна Ева. кўл бўйида чўмиладиган пайтда киядиган камзулида. Қизиғи шундаки, уларда бу оилавий суратларнинг барчасида Гитлер бирон дақиқа бўлсин ўз ҳолича. табиий турмаган. муқаррар ўзини бирон ясама ҳолатда кўрсатган. ниманидир ифодалаган. Афтидан, у ҳеч қачон ўз ҳолича яшамаган бўлса керак У нуқул ўйнарди. ўйнарди ва фанат қандайдир бир ролда эмас, балки. гоят кўп ролларда.

— Буниси эса бахтсиз Еванинг портрети.

Ишқилиб. унинг кўриниши анча бежирим эди. қадди-қомати келишган, спортчилардай вужуди тараиг, бироқ юзи дағалроқ ва ўта дағаждда отжағлиқ эди. «Небелунглар»д а г и Брунгильднинг маҳаллий ижрочиларига ўхшарди.

— Қаранг, қандай жувон эди-я. фрейлен Ева. — такрорлайди Гофман.

— Мен уни кўрганман, — деб жавоб бердим иложи борича ўзимни йиғиб тутиб.

— Қачон? Қаерда? Бу мумкинмас-ку, ахир. Герр оберст ҳазиллашяптилар, шекилли?

Уни етарлича куттириб, сўнг хотиржам жавоб бераман:

— Рейхсканцелярияни олаётган кунимизда, бункер ёнида снаряд ҳосил қилган ҳандақда.

Адолат юзасидан шуни қўшимча қилишим мумкин эдики, гарчи учинчи рейх қудратли фюрерининг васиятига кўра ўзининг ва ёш келинчак хотинининг жасадини қўйдириб ташлаш учун бензни етишмай қолган бўлса-да. бироқ уларнинг иккаласи ҳам шу қадар куйиб, қорайиб кетган эдики. чеҳраларидан биронта аломатни ҳам таниб олиш қийин эди. Аммо мен бу тафсилотлар хусусида оғиз очмай қўяқолдим. Чунки мазкур жасадлар топилганлиги расмий равишда умуман эълон қилинмади. Хуллас. фашистларнинг диктаторлари ва уларнинг маъшуқалари и н и н г қисмати шу тариқа хотима топиши ҳам керак эди. Бинобарин, Гитлернинг ўз-ўзига суиқасдидан бироз олдинроқ италъян дучесининг бақалоқ вужудини ва унинг маҳбубаси бўлмиш хонимнинг. партизанлар қатл этишган актриса Петаччининг жасадини Милан шаҳрининг майдонларидан бирндаги беизаколонкада оломон кўзи ўнгида оёгини осмонга қилиб, осишган эдилар. Лекин бу тўғрида ҳам, ўз-ўзидан равшанки, Гофманга лом-мим демадим. Ахир, уни мен тарбияламайман-ку!

Мен айтган иборани эшитиб. чамамда Гофман. табиий, бир гуссали оҳангда деди:

— Бечора Ева У барибир ёмон қиз эмасди, дидн ҳам жойида эди. Ўзи дурустгина сурат ҳам туширабиларди. — Ва. балким. менинг синфий ҳис-туйғумга монандлиги учундир. қўшиб қўйди: — Ўзиям оддий ишчининг қизи эди. Отаси Браун ҳозир ҳам машинасозлик заводида ишлайди. Сиз балким ишонмаётгандирсиз, мана кўринг.

У. «Старс энд страйпс» номли Америка газетидан қирқиб олинган бўлагини менга узатди. Газета номи бизнинг тилимизда «Юлдузлар ва полосалар» маъносини англатади. Америка байроғининг юлдузлари ва полосалари. Газетада. чиндан ҳам. қария Браун билан қизнқарли суҳбат босилган эди. Гофман чолнинг иккала қизи ҳам яхши. камсўқум. фидойи ва меҳнатқаш қизлар бўлиб ўсганлиги тўғрисида ҳикоя қилакетди. Шунақаям бахти қароли бўладими, ахир улардан биттасининг Гитлердай телбага ишқи тушиб қолса-я. Ундан кейин эса иккинчиси ҳам СС генералига турмушга чиқи-кетди. Ўниям ҳозир қамаб қўйишган. Мана энди эса, Браун. қариган чоғида якка-ёлғиз қолди. Чинакам меҳнаткаш учун муносиб қисмат шуми ахир?...

Унинг столига ширинкомазини — «Оқ от» номли вискининг бир бутилкасини ва анча тош босадиган чўчқа гўшти банкасини қолдириб, жўнадик. Санъатшунослик фанлари доктори ва профессор суратларнинг негативларини кавлаштиришга тушиб кетди ва ўзини ҳеч нарсани пайқамаганга солди.

Михли САФАРОВ таржимаси.

Жаҳон ойнаси

БЕШ МИЛЛИОНЧИ СИГНАЛ

БУДАПЕШТ. Веспрем шаҳридаги баконь приборсозлик комбинатида «жигули» маркали енгил автомобиллар учун беш миллионинчи товуш сигнали тайёрланди. Комбинат совет автомобилсозлари билан ҳамкорлик қилаётган корхоналардан бирндир.

Тўққиз йил аввал комбинат Волга автозаводи билан кооперация асосида «жигули»лар учун ёқиш системалари, товуш сигналлари ва ойна тозалагичлар ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирги кунда енгил автомобиллар учун ишлаб чиқариладиган узел ва деталлар комбинат тайёрлайдиган маҳсулотнинг ярмидан кўпини ташкил этади. Корхона фақат шу йилнинг ўзида Тольяттига «Жигули»лар учун 400 мингта узел ва деталь жўнатади.

МЕҲНАТКАШЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙ

ТРИПОЛИ. Кейинги икки йил мобайнида Ливия меҳнаткашларининг қарийб учдан бир қисми ўзининг уй-жой шароитини яхшилаб олди. 1969 йилги революциядан кейин ўтган йиллар мобайнидагина мамлакат аҳолисининг қарийб ярми — ливияликлардан бир миллионга яқин киши янги квартираларга кўчиб кирди.

Уй-жой қурилиши давлат маблағлари миқдори жиҳатидан мамлакат экономикасида саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш икки йўналишда олиб борилмоқда.

Зўр қизиқиш

ЛИССАБОН. Бу ерда «СССРда ядро фани ва техникаси» мавзуида кўргазма ташкил қилинди. Бу кўргазма Португалия жамоатчилигини гоят қизиқтирмоқда. Лиссабон халқаро ярмарка залларига жаҳонда биринчи «Ленин» атом муз ёрғичларининг атом электростанцияларининг, ядро реакторларининг материаллари, фотосуратлар, илмий-техникавий адабиёт ва томошабинларни тинч мақсадларда атомдан фойдаланиш соҳасида Совет Иттифоқи эришган ютуқлар билан таништирувчи бошқа экспонатлар қўйилган.



Вьетнам Социалистик Республикаси. Хошимин шаҳри хизматчилари гуллар выставкасида. ВИА — ТАСС фотоси.

АТЕИЗМ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИДА

Қўқондаги 19-ўрта мактаб ҳузурида очилган атеизм халқ университети ўз ишини оилада болаларни атеистик тарбиялаш тўғрисидаги лекция билан бошлади. Ана шу мактаб ўқувчиларининг ота-оналаридан юздан ортиқ киши университет тингловчиларидир. Тажрибали педагоглар лекцияларни ўқишга жалб этилди.

[ЎзТАГ].

ЁШ ҲАЖВЧИЛАР УЧУН

24 март куни соат 15 да «Муштум» журнали қошидаги «Ёш ҳажвчилар» семинарининг навбатдаги машғулоти бўлади. Редакция қизиққан ўртоқларни таклиф этади.

Йўлдошни учиришга тайёргарлик

ДЕҲЛИ. Атом энергияси, космик фазони ўзлаштириш, электроника, фан ва технология масалалари билан шуғулланувчи маслаҳат комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ҳиндистон бош министри М. Десаи раислигида ўтди. Мажлисда ер юзини тадқиқ қилиш учун мўлжалланган ернинг иккинчи сунъий йўлдошини учиришга тайёргарлик проблемасини муҳокама қилишга алоҳида эътибор берилди. Космик аппарат бу йил совет учирувчи ракетаси ёрдамида СССР территориясидан/ учирилади. Мажлис иштирокчилари Ҳиндистоннинг иккинчи сунъий йўлдоши илмий кузатишларнинг кенг программасини амалга оширишнинг уқтириб ўтдилар. Кузатишларнинг натижалари миллий ривожланишнинг кўпгина проблемаларини ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Маслаҳат комитетининг аъзолари, шунингдек Ҳиндистон космик фазони ўзлаштириш программасини амалга оширишга доир бошқа бирқанча масалаларни ҳ а м кўриб чиқдилар. Ҳозирги вақтда Тхумбадаги космик тадқиқотлар марказида тўрт босқичли учирувчи ракета яратиш соҳасида иш олиб борилмоқда. Ҳиндистоннинг жанубидаги «Шрихарикота» космодромида ўтган йил кузда Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти яратган икки босқичли ракета муваффақият билан синаб кўрилган эди. Мамлакатда биринчи марта бортида траекторияни тўғрилаш ва назорат қилиш системаси билан жиҳозланган бошқариладиган ракета учирилган эди. Худди шундай аппарат Ҳиндистоннинг учирувчи ракетасида ўрнатилади. 1979 йилда унинг воситаси билан Ҳиндистоннинг учинчи ер сунъий йўлдошини орбитага чиқариш мўлжалланади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

21 МАРТ, 1978 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/III да **Травната**, 22/III да **Спартак**, 23/III да **Тоҳир ва Зуҳра**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Келинлар кўзголони**, 22/III да **Кўрмайин босдим тиконни**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/III да **Гулбаҳор қани?**, 23/III да **Олнфта**, 24/III да **Хонума хоним**, 25/III да **Шаҳзода ва етим қиз**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/III да **Ишқ қурбонлари**, 22/III да **Хамомга бало борми?**, 23/III да **Уҳлмаган саҳифа**.

КИНО

21 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Тиль ҳақида афсона** (3—4 серияларр, катта зал кечкурун).

Олишув — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30).

Янкама-янка — «НУКУС» (тоқ соатларда).

Хайрли таваккал — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Куз (тоқ соатларда), **Оғиш бурчаги ноль** (жуфт соатларда): — «ҚОЗОҒИСТОН».

Бизнинг бурчимиз— «ВОСТОК» (18, 19.40, 21.10).

Бу ишнинг менга даҳли йўқ — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Барнамол эркак — «ЧАЙКА» (18, 19.30, 21.00).

22 МАРТДА

САНЪАТ САРОЙИ— **Тиль ҳақида афсона** (3— 4-серилар, катта зал, кундуз ва кечқурун).

Янкама-янка — «ЧАЙКА» (12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00).

Куз (тоқ соатларда), **Оғиш бурчаги ноль** (жуфт соатларда): — «ҚОЗОҒИСТОН».

Қайта тикланган нимоҳ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Севмоқ ва яшамоқ даври — — «ВОСТОК» (10.30, 12, 14, 16, 18, 19.40, 21.10).

Хайрли таваккал— «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Бу ишнинг менга даҳли йўқ— «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Олишув— «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ

3-«БОГАТИРЬ» МАГАЗИНИДА

21—26 МАРТ КУНЛАРИ

БАҲОРГИ-ЁЗГИ КАТТА РАЗМЕРДАГИ ПОЙАФЗАЛЛАРНИНГ

САДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ



САВДО-КЎРГАЗМАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, ТОШКЕНТДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ВА ФАРҒОНА ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ ЎТКАЗАДИ.

Бу ерда аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам ҳар куни кийиладиган, чиройли моделли ва уйда кийиладиган енгил ҳамда арзон пойафзалларнинг фақат катта размерлари кўргазмага қўйилган.

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси эркаклар учун қалин формаланган ва рант билан чиройли ишлов берилган ўймакор пошнали полуботинка ва сандалетларни таклиф этади.

Кунда кийиладиган қалин ўймакор пошнали пойафзал харидорлар ўртасида ўзининг юксак чидамлилиги, пишиқлиги, қулайлиги ва енгиллик сифатлари жиҳатидан ҳам кенг оммалашган.

Аёлларга шубҳасиз тасмали конструкциядаги ёзги пойафзаллар модели жуда ёқади: уларнинг бизнинг иссиқ иқлим шароитида баҳоси йўқ.

Қолипининг енгиллиги, пошнасининг модали кўриниши— буларнинг ҳаммаси аёл харидорларимиз муҳаббатини қозона олади.

Ошларга усти табиий хромдан тикилган юқори полиуретанли танкеткалари енгил ва пишиқ очиқ туфлиларни тавсия этамиз.

Табиий хромдан тикилган ва пухта ўртача баландликдаги пошнали очиқ туфли моделларига талаб катта.

Эркакларга ҳам моделли пойафзаллар — полиуретанли полуботинкалар, таг чармн хромдан формаланган ва пошнаси резинали сандалетларни таклиф этамиз.

Бу моделларни Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ишлаб чиқармоқда.

Фарғона пойафзал фабрикаси тантанали воқеаларга атаб оригинал бежамли пойафзаллар ишлаб чиқармоқда.

Ўйлаймизки, савдо-кўргазмасига қўйилган ранг-баранг пойафзаллар Сизга ният қилган харидингизни қилишга ёрдам беради.

Биз сизнинг сотилаётган пойафзаллар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни билишдан хурсанд бўламиз.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

3-«БОГАТИРЬ» магазинининг адреси: Тошкент шаҳар, «Чилонзор» массиви, Фарҳод ярмарканси, Телефон: 76-60-48.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲАЛАШ-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ.

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ

УНИНГ ХИЗМАТИДАН КРЕДИТГА ФОЙДАЛАНУВЧИ ГРАЖДАНЛАРГА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИ УЧУН СЧЕТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШНИ

ЭСЛАТИБ ЎТАДИ

Сўзлашув счёти у олинган вақтдан эътиборан 5 кун муддат ичида тўланиши лозим. Шу вақт ичида тўланмаган тақдирда кечикилган ҳар кун эвазига пеня ундирилади.

Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси хизмат ҳақини кўрсатилган муддатда тўламаган абонентларнинг телефоилари огоҳлантирилмай узиб қўйилади.

Справкаларни шаҳарлараро телефон станциясининг расчёт-группасидан қуйидаги адрес бўйича олиш мумкин: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 26-уй, ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 (якшанбадан ташқари) ёки абонентлар учун қуйидаги телефонлар орқали: АТС-32—44-56-05; АТС-33—44-32-34; АТС-78, 99—44-50-14; АТС-35, 24, 41, 48—44-54-08; АТС-44, 53, 56—44-56-04; АТС-76, 77—44-37-74; АТС—90, 91, 66—44-32-24, АТС—62, 96—44-33-34.

Тошкент шаҳарлараро телефон станцияси абонентлардан счётларни текширнш ва қарзларни узишни сўрайди.

Шаҳарлараро телефон алоқаси хизмати учун ҳақ тўлаш квитанцияларн 3 йил муддатгача сақланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 МАРТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Учинчи йил— зарбдор йил». Кўрсатувда Қозоғистон Компартияси Шимолий Қозоғистон область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко иштирок этади. 19.25 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари Академик хорининг концерти. 20.00 «Даъвогарлар ва жавобгарлар». Телевизион спектакль премьераси. Автор —Н. Долинина. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.25 Жан Ферра куйлайди (Франция).

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Юлдузча». Телевизион журнал. 18.30 «Иккинчи она тилини ўрганамиз». 18.55 «Автоматлаштирилган бошқарув системаси қурилиш хизматида». «Главташкентстрой» ҳисоблаш марказидан репортаж. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.30 «Наврўз байрами». Музикали программа. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Наврўз байрами». Музикали программа (давоми). 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Кўкламги экиш — дастлабки имтиҳон». 22.15 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия. «Яшаш шарт». 23.55 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Кўза». Телевизион бадиий фильм (рус.). 19.30 «Ҳозирги замон совет шеъриятига обзор». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус.). 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Организм ва атроф-муҳит. Биоценозлар». Биологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 21.00 «Мен — совет ишчисиман». Ҳужжатли фильм.

22 МАРТ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 Н. Долинина. «Даъвогарлар ва жавобгарлар». Телевизион спектакль. 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.25 Рус композиторларининг оммавий симфоник куйларидан концерт. 13.30 «Буюк бунёдкорлик кундалиги». «Ғарбий Сибирь нефтчилари ҳузурида». Кинопрограмма. 16.30 «Музей ва кўргазмалар залари бўйлаб». Киев Давлат рус санъати музейида И. Шишкин полотнолари. Киевдан олиб кўрсатилади. 17.00 Халқаро конкурс лауреати И. Фролов чалади. Программада чет эл композиторларининг скрипка ижроси учун ёзган пьесалари.

17.30 «Фан оламида». 18.00 «Горичлар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.55 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». «Қишлоқ хўжалик техникасини эҳтиётлайлик». 19.05 «Спортлото» тиражи. 19.15 РСФСР ашула ва рақс ансамбллари ҳамда халқ рақс ансамбллари кўригининг якунловчи концерти. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз». Ҳужжатли фильмдар программаси. 22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Трактор» (Челябинск)— «Спартак» (Москва). 2 ва 3-даврлар. Челябинскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Узбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 18.30 «Рассом устахонасида». В. Бурмакин (рус.). 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «Совет халқининг зарбдор меҳнати — ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарилишининг гарови». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Кино ҳақида суҳбатлашамиз» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.45 «Балет кечаси». Самарқанд Давлат опера ва балет театри артистлари иштирок этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 3-серия. «Шиддатга ўрин йўқ». 23.15 «Тошкент баҳори». Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг соврини учун чим устида хоккей бўйича Бутуниттифоқ турнири. «Қибрай» стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Қайтиш». Телевизион бадиий фильм (рус.). 19.30 Математика. Ўқув кўрсатуви. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 «Кругозор». Илмий-оммабоп программа (рус.). 20.50 «Янги урфодатлар— турмушга» 21.20 Абитуриентлар учун. Физика.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА

„СЕЛГА—404“

ТРАНЗИСТОРЛИ РАДИОПРИЕМНИГИ


сайрга, туристик походга ёки экскурсияга чиққанингизда енгил ва ихчамгина бу транзисторли радиоприёмникни ўзингиз билан олсангиз яхши хамроҳ бўлади.

У Сизга янгиликлар ва қизиқарли эстрада программаси билан танишишингизга ёрдам беради.

«СЕЛГА—404» узун ва ўрта тўлқин диапазонларида «Крон» батарейида ёки «316» типидаги элементда ишлайди.

«СЕЛГА—404»— Давлат Сифат белгисига эга.

Радиоприёмник баҳоси —32 сўм.



ЦКРО «ОРБИТА».

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

„СЕВМОҚ ВА ЯШАМОҚ ДАВРИ“

номли, янги кенг экранли бадиий фильмни кинотеатрлар экранларига

ЧИҚАРДИ



Сценарий муаллифлари — Энн ВЕТЕМАА, Хана ЛУЙК.

Постановкачи-режиссёр—Велье КЯСПЕР.

РОЛЛАРДА:

Аида ЗАРА, Вяйно УЙБО, Хайно МАНДРИ, Аарне ЮКСКЮЛА ва бошқалар қатнашадилар.

Тўқимачилик фабрикасининг ишчиси Дебора ёшига ярашмаган тарала бедод ва кўнгил очишларни севувчи енгил табиат қиз эди. Кутилмаган бахтсиз ҳодиса туфайли у касалхонага тушиб қолади. Ўз ҳаётини сақлаб қолган оғир касалманд, мард ва ақлли кекса— профессор Тальвик билан танишиш қизни ҳаётга ўз муносабати ҳақида ўйлашга мажбур этади.

«ТАЛЛИНФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.



«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

---

26 МАРТГАЧА

САНЪАТ САРОЙИДА

26 МАРТГАЧА

„ТИЛЬ ҲАҚИДА АФСОНА“

НОМЛИ ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ФОРМАТЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИНГ 3 ВА 4-СЕРИЯЛАРИ

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

ШАРЛЬ ДЕ КОСТЕР РОМАНИ АСОСИДА.

Иккинчи фильм — «ЯШАСИН ҚАШШОҚЛИК».

Сценарий муаллифлари ва постановкачи-режиссёрлар — АЛЕКСАНДР АЛОВ ва ВЛАДИМИР НАУМОВ.

БОШ РОЛЛАРДА: Лембит Ульфсак, Наталья Белохвостикова, Лариса Малеванная, Евгений Леонов, Михаил Ульянов, Алла Демидова, Анатолий Солоницин, Иннокентий Смоктуновский.

«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

СЕАНСЛАР: соат 11.45, 14.00, 17.00 ва 20.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Справкаларни 44-21-74 ва 44-39-51 жавоб берувчи автомат телефонлар орқали олиш мумкин.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 МАРТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41, ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш—32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпар варлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33 81 44.

Р—02301. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1268.